

**ТЕРМИЗ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН "СУЛТОН САОДАТ" МАЖМУАСИДАГИ
МАҚБАРАЛАРНИНГ ШАРҚИЙ ТАРАФИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ҚАЗУВ
ИШЛАРИ**

Равшанов Собир Абдукарим ўғли
Магистр Тошкент архитектура-қурилиш университети

Аннотация

Ушбу мақолада Термиз шаҳрида жойлашган "Султон Саодат" мажмуасидаги мақбараларнинг шарқий ва шимолий-шарқий тарафларида амалга оширилган археологик қазув ишлари натижалари очиб берилган.

Калит сўзлар: Эски Термиз, археология, музей, дарвозахона, сиркор идиш, кулолчилик, лой, сопол товоқ, кўза, материал, лаган, тагдон, чарх, гардиш.

Аннотация

В данной статье раскрываются результаты археологических раскопок, проведенных на восточной и северо-восточной сторонах мавзолеев в комплексе «Султан Саодат», расположенном в городе Термез.

Ключевые слова: Старый Термез, археология, музей, сторожка, керамическая чаша, керамика, глина, керамическая тарелка, кувшин, материал, тарелка, поднос, колесо, фланец.

Abstract

This article reveals the results of archaeological excavations carried out on the eastern and northeastern sides of the mausoleums in the "Sultan Saodat" complex located in the city of Termiz.

Keywords: Old Termiz, archeology, museum, gatehouse, ceramic bowl, pottery, clay, ceramic plate, jug, material, plate, tray, wheel, flange.

Кириш

Дунёнинг кўплаб давлатларида тарихий, маданий ҳамда архитектура меросини ўрганиш, ундан жамият ривожига, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурурни шакллантириш ва туризм соҳасида кенг фойдаланиш долзарб тус олмоқда. Бу борада илғор мамлакатларда инновацион технологиялар ёрдамида ёдгорликларни музейлаштириш, уларнинг виртуал моделларини қилиш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирда мавжуд архитектура обидаларини таъмирлаш, археологик қазишмаларда аниқланган бино ва иншоотларни қайта тиклаш зарурати пайдо бўлмоқда, бу эса тадқиқот ишини белгилаб беради. Ўзбекистон давлати ўзининг миллий қадриятлари, бой тарихи, моддий-маданий ёдгорликлари ҳамда қадимийлиги билан ўзининг мавқеига эга. Шу боис маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш, уларни ички ва халқаро туризм салоҳиятини оширишда ва самарали фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди [3].

Бу борада юртимиздаги тарихий шаҳарлардаги кўплаб архитектура ва археология ёдгорликларини қайта тиклаш ва асл қисмларини ўзидек сақлаш ишлари олиб борилмоқда.

«Султон Саодат» мажмуасини илк қурилган ҳолатини, алоҳида ўрганилмаган қисмини тўлиқ тасаввур қилиш учун уларни қайта таъмирлаш, тадқиқ қилиш ҳамда қиёфаларини тиклаш ниҳоятда муҳимдир. «Султон Саодат» мажмуасини тараққиёт босқичларини, қурилиш технологиясини ўрганган ҳолда бошқа обидалар билан боғлиқлигини аниқлаш, ҳамда ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш ҳозирги меъморчилик фанининг долзарб масалаларидан биридир [4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига шу жумладан «Султон Саодат» мажмуасидаги мақбаралар ташрифи давомида бу меъморий мажмуани сақлаш ва унинг атрофида мавжуд иншоотларни ўрганиш билан боғлиқ кўрсатмалари юзасидан 2019 йилнинг сентябрь ойи давомида «Султон Саодат» мақбаралар мажмуининг шарқий ва шимоли шарқий тарафида қисқа муддатли (10 кун давом этган) археологик қазув ишлари олиб борилди [2].

«Султон Саодат» мажмуасидаги мақбараларнинг шарқий ва шимолий шарқий томонида қазув ишлари олиб борилишига қадар қуйидаги ҳолат кузатилади. Мақбаранинг шарқий тарафида мажмуани ўраб турган замонавий деворга туташ қисмда пишиқ ғиштлардан барпо этилган маҳобатли бинонинг эшик тарафи яхши сақланиб қолган. Бу бино (иншоот №1) Султон Саодат мақбаралар мажмуининг имоми Абдурахмон ҳожи Муаззамов сўзига кўра, XX асрнинг 70 йилларида «Султон Саодат» мажмуасидаги мақбараларнинг асосий биносини таъмирлаш-тиклаш жараёнида ўша даврда «Термиз таъмирлаш-тиклаш» корхонаси раҳбариятининг кўрсатмаси билан бино бузилган ва унинг пишиқ ғиштлири асосий бинони таъмирлашга ишлатилган.

№1 иншоот 20 жанубда транспорт воситаларини тўхташига мўлжалланган майдончага туташ жанубий тарафда тахминан 30х40 метрга тенг тепалик ажралиб туради. Бу қисм №2 иншоот деб номланган.

№1 иншоот билан қрийб бир чизиқда транспорт майдончасининг шимолий тарафида хом ғиштлардан қурилган, баландлиги 2 метрга тенг яна бир бино сақланиб қолган. Бу №3 иншоот деб номланди.

2019 йилнинг сентябр ойида 10 кунлик ишлари айна шу №1-3 иншоотларда амалга оширилди. Бу қисқа муддатли археологик қазув ишларидан асосий мақсад «Султон Саодат» мақбаралар мажмуининг шарқий ва шимолий шарқий тарафларида қурилиши режалаштирилаётган замонавий «Султон Саодат» маданий-марифий марказ ҳудудига ташриф буюрган мутасаддиларга бу иншоот қолдиқларини кўрсатиш ва бу бино қолдиқларини сақлаб қолиш. Бу қисқа муддатли қазув ишлари Термиз археология музейи ва «Термиз обида таъмир» корхонаси ҳомийлигида амалга оширилди.

Асосий қисм

№1 иншоотда амалга оширилган археологик қазишмалар натижалари. Мутахассислар, шу жумладан М.Филимонов, Е.Г.Некрасова ва ҳ.к. томонидан «Султон Саодат» мақбаралар мажмуидаги ҳонақоҳ айнан №1 иншоот ўрнига тўғри келади. Бунини бевосита ҳозирда ҳам «Султон Саодат» мақбаралар мажмуидаги назоратчи бўлиб хизмат қилаётган Абдурахмон ҳожи Муаззамов ҳам таъкидлайди. Бу шахснинг айтишича, мазкур бино бузилишидан олдин қассобхона бўлиб хизмат қилган. №1 иншоотнинг кириш қисми, ҳам ички ҳамда ташқи тарафида қазув ишларидан олдин 3х3 м. катталиқдаги квадратларга бўлиб олиниб, қазув

бошланди. Қазув ишларидан аён бўлдики, №1 иншоотнинг ичи ва олд яъни кириш қисми асосан бинонинг қулаб тушган ғишлари ва улар билан аралашган замонавий ахлат қатламидан таркиб топган. Бу қатлам бино ички қисмида 30-40 см ни ташкил этади (1-2 расмлар).



1-расм. “Султон Саодат” мажмуасидаги кузатув ишлари жараёни.


Қазишмалар туфайли №1 иншоотни яъни хонақоҳнинг ички қисми ва пештоқ олд тарафи энига 3 метрдан қазиб очилди. Ички томонидан 3 метрга қазиб очилган бинонинг эни 9,40 метрга тенг. Иншоот ички қисми ҳар ички девори ҳам уч ғишт баландликда сақланиб қолган. Сақланиб қолган пишиқ ғишлар қатори устидан оғир юк машиналари юрганлиги сабабли ёрилган ёки баъзи қаторлари олиб ташланган. Шу боис қазиб очилган деворни батамом бузилишидан сақлаш учун бино ташқи деворини тўла қазиб очишни маъқул топмадик. Бу бино деворлари қурилишида асосан 25x25x4-5 см, 26x26x4-5 смга тенг пишиқ ғишлар қўлланилган. Хона поли саҳнига асосан 24x24x5 смга тенг пишиқ ғишлар тахланган бўлган. Қурилиш материалларига кўра бино (хонақоҳ) чамаси XI-XII асрларда, хусусан XVIII-XIX асрларда ҳам мавжуд бўлган. Хонақоҳ поли устидан топилган XVIII-XIX асрларга оид сиркор сопол идиш бўлаклари бунинг исботидир.



2-расм. “Султон Саодат” мажмуасидаги кузатув ишлари жараёни.

Қисман қазиб очилган бино (хонақоҳ) қуйидаги кўринишга эга бўлган. Бино ички қисми эни 9.40 метрни ташкил этган. Бино девори қалинлиги уч пишиқ ғишт энига яъни 1.40 метрга тенг бўлган. Бино жанубий деворининг ўртасида эни 1.35 метрни ташкил этган арксимон токчалар

мавжуд. Кириш қисми олд тарафида параллел кўринишда тўртта устун кўринишида деворлар сақланиб қолган. Чамаси бу устун деворларбинони олд тарафи яроқсиз ҳолга келиб қолган пайтда қурилган ва бу орада деворлар ўзига хос тирагич бўлиб хизмат қилган (3 расм). Шунингдек, хонақоҳ жанубий деворидан ҳовлига томон пишиқ ғиштлардан қурилган девор асослари ҳам аниқланди. Бино ички қисми қалин, сифатли ганч сувоққа сувалган [2].



3-расм. “Султон Саодат” мажмуасидаги хонақоҳ тархи.


№ 2 иншоотда амалга оширилган қазишмалар натижалари. № 1 иншоотдан 20 метр жанубда, транспорт воситаларини тўхташга мўлжалланган майдончага туташ, майдончадан шарқий тарафда томонлари 30x40 м тепалик мавжуд ва бу жой № 2 иншоот деб номланди (4расмлар) [2].



4-расм. “Султон Саодат” мажмуасидаги казув ишлари жараёни.

№ 2 иншоотнинг энг баланд қисмида 60x3 метр майдонда қазишма ишлари олиб борилди. Қазишма майдонида тахминан 70 см чуқурликкача хом ғишт ва замонавий чиқиндилардан иборат қатлам қайд этилди. Бу қатламдан сўнг асосан пшмқ ғиштлардан терилган девор қолдиғи аниқланди. Қазув ишлари давомида бу девор 4.60 метр узунликда аниқланди, девор шимоли-ғарбий томондан қайрилиб, хона ҳосил қилади. Девор эни 90 см қалинликка эга ва 10 қатор баландликда сақланиб қолган. Деворда 10 қатор пишиқ ғишт қатори аниқланди ва бу девор асоси ҳам асосий ер саҳнига (материк) томон чуқурлашиб боради (5-расм). Хона тахмин

қилинаётган қурилмада одам боши чаноғининг бўлаги учради. Фикримизча, шу бино чамаси «Султон Саодат» мақбаралар мажмуигача янги бир номалум мақбаранинг ўрни, асоси бўлиб хизмат қилган. Бу янги аниқланган бино ўрни томонлари 26x26x5 смга тенг пишиқ ғиштлар, сиркор зангори идиш бўлақларига кўра, тахминан XVIII-XIX асрларда қурилган ва шу асрларда мавжуд бўлган деган фикр билдириш мумкин.



5-расм. “Султон Саодат” мажмуасидаги казув ишлари тархи.

№ 3 иншоотда амалга оширилган қазишмалар натижалари. № 3 иншоот қолдиғи № 1 иншоотга рўпара жойлашган асосан хом ғиштлардан барпо бўлган бино қолдиғи. Бу бино қолдиғи ҳозирда «Султон Саодат» меъморий мажмуи таркибида замонавий қурилган айвондан 8м шимоли шарқда жойлашган. Қазишма майдони 3x3 метр. Қазишма майдонида маданий қатламлар қалинлиги 60 см га тенг бўлиб, асосан хом ғишт, пишиқ ғишт бўлақлари ва замонавий чиқиндилардан таркиб топган. № 3 иншоотдаги қазишма майдонида томонлари 1.06 x 1.70 метрни ташкил этган ва бурчак ҳосил қилган девор асоси қазиб очилди (6-7 расмлар). Бу девор асоси бурчак кўринишида бўлиб, 2.40 м баландликда сақланиб қолган. Бу девор икки хил катталиқдаги хом ва пишиқ ғиштлардан таркиб топган. Пишиқ ғиштлар 28x28x5 см, хом ғиштлар 25x25x5 см катталиқка эга. Таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган пишиқ ғиштлар деворнинг асосида уч қаторда тахланган бўлса, ундан юқори қаторлар яхлит тўғри тўртбурчак шаклидаги хом ғиштлардан таркиб топган [2].



6-расм. “Султон Саодат” мажмуасидаги қазишма жараёни.

Бу иншоотда амалга оширилган қазишмалар давомида бу бино қолдиғини бунёд этилган саналарини ойдинлаштирувчи ашёвий далиллар учрамади. Икки хил таркибдаги хом ва пишиқ ғиштлардан қурилган бу бино тахминан XI-XII асрлар оралиғида барпо этилган деб таъкидлаш мумкин. Энди бу қазиб очилган бино асоси қандай вазифа бажарган. Таъкидлаш жоизки, бу бино асоси «Султон Саодат» мажмуасининг асосий биноси ховлисини шимолий-шарқий тарафдан ўраб турган. «Султон Саодат» меъморий ёдгорлиги тарихи билан шуғулланган бир гуруҳ мутахассислар бу бинони дарвозахона деб ҳам ҳисоблайдилар. Бу иншоот қолдиғи мутахассислар томонидан қай даражада талқин этилишидан қатъий назар бино девори асосларининг қалинлигига кўр, бу иншоот жуда маҳобатли бўлган. Унинг асоси замонавий айвондан шимолий тарафга чўзилиб, тепалик кўриншига эга ва катта майдонни эгаллаб турибди [5].



7-расм. “Султон Саодат” мажмуасидаги қазишма жараёни.

Хулоса

Бугунги кунда миллий архитектурамиз ўзига хослиги билан дунё архитектураси ичида алоҳида ажралиб туради. Бунга сабаб, ўзбек халқининг минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган тарихий қадриятлари) ва архитектура анъаналарининг ҳозир ҳам давом этаётганлигидир. Шу боис, янги тарихий даврда Ўзбекистон архитектурасини тараққий эттириш, унинг йўналишларини тўғри белгилаш жуда катта аҳамиятга эгадир ва тарихий ёдгорликларни фойдаланишга мослаштиришни лойиҳалашда кўзда тутилган нарса – бу эски ва янгини уйғунлаштира олишдан мувозанатни таъминлаш кераклигидир.

Республикамиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва қайта таъмирлаш асосий вазифанинг катта миқёсда қўйилиши билан ҳам белгиланади. Хусусан «Султон Саодат» меъморий мажмуасининг асрлар давомида бунёд этилган бу меъморий ёдгорликни таъмирлаш ва қайта тиклаш орқали туризм шароитини яхшилаш, саёҳатчилар зиёрат қилиши ва дам олиши ҳамда аҳолининг маиший турмуши учун тўлақонли шароитлар яратиш мақсадиди мажмуада амалга оширилаётган қайта қуриш ишлари бу вазифага янада катта аҳамият беришни талаб қилади. Шу тадқиқот қилиш таъмирлаш қайта тиклаш орқали муаммони ечилишида ўз аксини топади.

2019 йилда «Султон Саодат» мажмуасида амалга оширилган қисқа муддатли археологик қазув ишлари туфайли маълумотлар аниқланди ёки мавжуд иншоотлар функциясига аниқлик киритилди. «Султон Саодат» мажмуасида мақбаралар ёнида унинг шимолий ва шимолий-шарқий тарафида янги илмий, маданий-марифий мажмуа қурилиши муносабати билан қазилма ишлари олиб борилган ҳудуд 80x100 метр майдонда жойлашган. Булар №1 иншоот (хонақоҳ), № 2 иншоот (янги мақбара асоси), №3 иншоот(дарвозахона) ва яна аниқланмаган қатор бинолар, алоҳида қабрлардир. Археологик жиҳатдан ўрганилиши таклиф этилаётган майдон 80x100 метр ундаги маданий қатламлар 20-30 см (хонақоҳ ўрни)дан 1,5 метргача боради (янги аниқланган мақбара атрофи). Таклиф этилаётган майдон археологик тўлиқ ўрганилса, қазиб очилган иншоотлар халқаро талабларда таъмирланса, консервация қилинса, махсус конструкциялар билан ёпилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. - Т.: Издательство литературы и искусства, 1982.
2. Аннаев Т., Рахмадуллаев А., Худойбердиев Р. 2019 йилда Султон Саодат мақбаралар мажмуининг шарқий ва шимолий-шарқий тарафларида амалга оширилган археологик қазув ишлари натижалари ҳисоботи. Термиз 2019
3. Равшанов С.А. Архитектура, қурилиш, дизайн. Илмий-амалий журнал 2022 йил, 1 сон, Термиз шаҳри учун Ислом цивилизация маркази таклиф лойиҳаси. Издательство ТАСИ. Тошкент 2022.
4. Равшанов С.А. Термиз шаҳрида жойлашган “Султон Саодат” меъморий мажмуасининг қурилиш тарихи, Архитектура: мерос ва замонавийлик, мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: ТАҚИ, 4-5 ноябр 2022 йил 549 б.
5. www.meros.uz.